

\_\_\_\_\_5506\_\_\_\_\_ -сонли Абонент шартномаси  
юридик шахсларга телекоммуникация хизматлари такдим этиш бўйича  
(юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларга)

2022 йил « 24 » Январь\_\_

1. «Ўзбектелеком» АК Фаргона филиали номидан 2019 йил 6 мартдаги кунги № 53-01-22/434 -сонли ишончнома асосида иш юритувчи Фуркат боғлама бошлиғи - **Ғ.Турсунов**, кейинчалик «Оператор» деб номланадиган бир томондан ва Фуркат Туман молия бўлими, амалдаги Устав (Қоида, рўйхатга олинганлик тўғрисида Гувоҳнома, ишончнома) асосида иш кўрадиган С.Ахмедов, бошқа томондан, кейинчалик алоҳида «Абонент» деб номланадиган, «Томонлар» ҳамкорлигида телекоммуникация хизматларини такдим этиш бўйича қуйидагилар тўғрисида мазкур Абонент шартномаси тузилди (матн давомида - Шартнома).

1.1. Телекоммуникация хизматлари такдим этиш бўйича Мазкур Шартнома имзоланган вақтдан бошлаб Абонент (жумладан, минтақавий вакиллик ва филиаллар) билан илгари тузилган Шартнома ўз кучини йўқотган ҳисобланади.

2. Абонент, телекоммуникация хизматлари такдим этиш бўйича мазкур шартномани имзолаши билан расмий сайтда эълон қилинган «Ўзбектелеком» АК Оммавий оферта шартларини қабул қилади. Абонент Оммавий оферта матни (Оммавий офертанинг тўлиқ матни Оператор сотувлар офисларида, оператор Агентлари сотувлар офисларида ва Операторнинг расмий WEB-сайтида жойлаштирилган) билан таништирилган. Абонент Оператор такдим этадиган Хизматларга тегишли тўловларни амалга оширилганлигини тасдиқловчи молиявий ҳужжатни олиш учун олдиндан аванс тўловни амалга ошириши Операторнинг Оммавий оферта шартлари(акцептлари)ни сўзсиз қабул қилганлиги бўлиб ҳисобланади.

3. Абонент мазкур Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор унда техник имкониятлари мавжудлигини текширади. Техник имкониятлар мавжуд бўлганида, Оператор Шартномани ўз томонидан имзолайди ва Абонентга идентификация рақамини такдим этади. Абонентга идентификация рақами такдим этилганидан кейин олдиндан аванс тўловни амалга ошириши мумкин. Техник имкониятлар мавжуд бўлмаганида, Оператор томонидан Шартномани имзолангунига қадар, мазкур ҳужжат унга телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши учун Абонентнинг аризаси бўлиб ҳисобланади.

3.1. Абонентни телекоммуникация Хизматларига улаш шартлари ва тарифлар (нархи) мазкур Шартноманинг ажралмас қисми бўлган Иловаларда белгиланган ва мазкур Шартнома кучга кирган вақтдан бошлаб кучга қиради:

1-илова. Кўрсатилаётган хизматлар:

- «Мобил алоқа (телефония, маълумотлар узатиш, VAS) хизматлари тариф режаси»;
- «Интернет (КПУ, IP телефония, VPN) тармоғига доимий корпоратив улаиш хизматлари тариф режаси»;
- «IPTV хизматлари тариф режаси»;
- «Виртуал хостинг» хизматлари тариф режаси»;
- «Булутли видеокузатиш» хизматлари тариф режаси»;
- «Умумий фойдаланиш телефония (ТфОП, PSTN) хизматлари тариф режаси».

2-илова. Ишларни қабул қилиш ва алоҳида улашишни синон(тест)дан ўтказиш даъвономаси(АҚТ).

3.2. Абонент томонидан Оператор таклиф этган Хизматлар рўйхатидан танловга мувофиқ Томонлар бир Иловани расмийлаштиришлари мумкин.

3.3. Томонлар амал қилиб турган Иловалардан бирининг ўрнига янги Илова имзолаган такдирларида. Томонлар мазкур Шартномага Қўшимча қилишув имзолаш вақтидан бошлаб охиригиси ўз кучини йўқотади.

4. Мазкур Шартнома бўйича Хизматлар нархи иловага мувофиқ белгиланади.

4.1. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузишда ва Оператор Хизматларидан фойдаланиш жараёнида ҳисоб-китоб учун мажбурий бўлиб ҳисобланади. Хизматларга барча тарифлар миллий валютада ҳисобланади ва мазкур Шартнома тузилиши вақтида ўрнатилган барча солиқ ва йиғимларни ўз ичига олади.

4.2. Шартнома нархи тақдим этиладиган Хизматлар ҳажми билан мазкур Шартнома 3.1 пунктида кўрсатилган Иловага мувофиқ белгиланади ва қуйидагилардан иборат бўлади:

299988 (бир юз ўн тўққиз минг тўққиз юз саксон саккиз минг ) сўм ҚҚС билан/ ҚҚСсиз, бундан 39128.86(уттиз туккиз минг бир юз йигирма саккиз минг сўм ) 86 т ҚҚС билан/ ҚҚСсиз микдордаги абонент тўловини ўз ичига олади ва 299988 ((икки юз туксон тўққиз минг тўққиз юз саксон саккиз минг ) сўм микдорида бир марталик тўлов ҚҚС билан/ ҚҚС сиз.

4.3. Мазкур Шартнома нархи/ абонент тўлови оширилган такдирда, пул микдори Томонлар имзолаган мазкур Шартномага қўшимча қилишув/ счет-фактура асосида тўлов амалга оширилади.

4.4. Абонент 100 (юз) фоиз Хизмат тўловини тўлов шарти билан ҳар ой келаси ой ҳисоб даври(ҳисобот даври)га қадар олдиндан тўловни, кўрсатилган хизматлар учун танлаб олинган тарифлар ҳажми/тариф режасига мувофиқ, пул маблағларини мазкур Шартноманинг 7-пунктида белгиланган Оператор шахсий ҳисобига пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

4.5. Биринчи ой Хизматлардан фойдаланганлик учун абонент тўловини амалга ошириш мазкур Шартнома имзоланганидан кейин 7 (етти) календарь куни мобайнида амалга оширилади. Биринчи абонент тўловининг киритилиши билан маблағдан ойнинг қолган кунларига қадар ҳисоб ечиб олинади. Олдиндан аванс тўлов Шартнома асосида тегишли Иловага мувофиқ, танлаб олинган Хизмат тури учун ҳар бир ойга олдиндан тўлов ҳисоби асосида амалга оширилиши мумкин.

4.6. Агар Абонент ҳисоб рақамида хизмат кўрсатилиши учун маблағ етарли бўлмаса, Оператор мазкур Шартномага мувофиқ Хизмат кўрсатади. Оператор томонидан уланган Хизматдан фойдаланилмаганлик ва Хизмат тўхтатилганлиги Абонентнинг улар учун тўловдан озод этилишига асос бўлмайди.

4.7. Абонентга Оператордан реклама акциялари даврида тақдим этиладиган бонус кўринишида қўшиладиган барча маблағ фақат Оператор Хизматларига тўловлар сифатида сарфланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганида Абонентга пул шаклида тақдим этилмайди.

4.8. Тақдим этилган Хизматлар мазкур Шартномага ҳавола билан ҳар бир тақдим этилган Хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилган счёт-фактуралар билан ёпилади. Мазкур Шартномада кўрсатилган илова 3.1.-пунктига мувофиқ, ҳар бир календарь оyi учун алоҳида счёт-фактурада тақдим этилган Хизматнинг муайян тури маблағ ҳажми микдори кўрсатилади. Агар 5 (беш) иш куни мобайнида Абонент ўз

этирозларини ёзма шаклда ёки факс бўйича тақдим этмаса, мазкур Хизмат тури бўйича счет-фактура у томонидан қабул қилинган ва Хизматлар тўғри кўрсатилган бўлиб ҳисобланади. Абонентнинг этирозлари асосланган тақдирда, Оператор келгуси ойда Хизмат кўрсатилишида ҳисобларга тегишли тузатишлар киритади.

5. Абонент Оммавий оферта қоидалари тўлиқ тасдиқлаши ва сўзсиз қабул қилишини билдирди. Оммавий офертада баён этилган Шартноманинг барча мавжуд шартлари (предмети, тарифлар ва хизматлар тури, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳисоблар шакл ва тартиби, масъулият ва бошқалар) Оммавий офертага мувофиқ белгиланади. Мазкур Шартномада кўзда тутилмаган ҳолатларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосланадилар.

6. Мазкур Шартнома Абонент томонидан Оммавий оферта акцептини (имзолаган) амалга оширган вақтдан бошлаб, кучга киради ва **2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.** (Мазкур Шартнома Абонент томонидан вазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилади). Бунда агар Шартномада кўрсатилган амал қилиш муддати яқунланса, шу муддат яқунлангунга қадар Томонлар унинг шартларини бажаришда давом этадилар ва унинг бекор қилинишини бирорта ҳам Томон талаб қилмаса, юридик шахс бўлмаган, бюджетдан ташқари ҳамда яқка тартибдаги тадбиркор Абонентлар Шартномани ҳар йил узайтирадилар.

6.1. Мазкур Шартнома Оператор расмий сайтида эълон қилинган Оммавий оферта шартлари Қоидалари ва Қўшимчалари агар шундайлар мавжуд бўлса, шартнома мавзусига нисбатан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартнома тузилади.

6.2. Мазкур Шартнома шартларида Оммавий оферта шартларига қарама-қарши шартлар юзага келса, Оммавий оферта шартлари ва қоидалари устун кучга эга деб ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг манзили ва банк маълумотлари(реквизитлари), уларнинг муассислари ҳужжатлари, жумладан, мулк эгаси, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва бошқалар ўзгарган тақдирда ҳам, Шартнома ўз кучида қолади. Бунда Томонлар 10 (ўн) кун муддат мобайнида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

6.4. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар агар улар ёзма шаклда бажарилган ва ваколатли шахслар томонидан имзоланган, Томонлар муҳри билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий деб ҳисобланади.

6.5. Мазкур 2 (икки) нусхада тузилди, ҳар бир томон учун биттадан.

7. Томонларнинг манзили ва банк маълумотлари(реквизитлари):

Оператор  
«Ўзбектелеком» АК Фаргона ф-ли  
Фуркат телекоммуникация боғламаси  
АК «Азат» банк Тошкент бош офиси  
Х/р: 20210006904074838356  
МФО: 00401 ОКЭД: 61100  
ИНН: 203366731  
ККС тўловчи рўйхат коди:  
3260300017812  
Имзо: Г.Турсунов

Абонент  
Фуркат туман МТБ  
Фуркат тумани Кичик-янги  
Х/р 234020003001600001010  
ИНН 200201599  
Фуркат туман Газначилик бўлими  
Х/р 234020003001600001010  
Марказий банк Тошкент  
МФО 00014 - ИНН 201122919  
Имзо: С.Ахмедов



2022 й 24 /январ /

№ 5506 шартномага

1-сонли илова

Кўрсатилаётган хизматлар  
Хизматлар номи ва уларнинг тарифлари

Ўлчов бирлиги Миллий валюта- Сум

| №   | Хизматлар номи        | Нархи (НДС билан) | Асос     | Микдори | Сумма(НДС билан) |
|-----|-----------------------|-------------------|----------|---------|------------------|
| 1   | 2                     | 3                 | 4        | 5       | 6                |
|     | I. Хар ойлик туловлар |                   |          |         |                  |
| 1.1 | Ойлик тулов           | 12                | Нархнома | 24999   | 299988           |
| 1.2 | Кушимча хизматлар     |                   | Нархнома |         |                  |

Кўрсатилган Иловага мувофиқ шартноманинг микдори қуйидагича бўлади:  
\_\_299988\_\_ ( \_икки юз тўқсон тўққиз минг тўққиз юз саксон саккиз минг ) сўм,  
Бундан \_\_299988\_\_ ( \_икки юз тўқсон тўққиз минг тўққиз юз саксон саккиз минг \_ )микдордаги  
абонен туловини  
ўз ичига олади. Шартноманинг микдори ошган тақдирда хар ойда ошган қисми тулаб берилади

Оператор



Абонент





**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING  
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

24.01.2022 yil

Furqat tumani

1. Loyi haning turi: shartnoma.
2. Loyi haning nomi: "O'zbektelekom" AK Farg'ona filiali nomidan ishonchnoma asosida ish yurituvchi Furqat bog'lama boshlig'I G'.Tursunov va Furqat tuman moliya bo'limi mudiri S.Axmedov o'rtasidagi xizmat ko'rsatish to'g'risidagi 5506-sonli Abonent shartnoma.
3. Loyiha ishlab chiqilgan va kiritilgan sana: Furqat tuman moliya bo'limi tomonidan 2022 yil 24 yanvar kuni ishlab chiqilgan va 2022 yil 24 yanvar kuni markazga taqdim qilingan.

4. Loyiha bo'yicha taklif va (yoki) e'tirozlar:

"O'zbektelekom" AK Farg'ona filiali nomidan ishonchnoma asosida ish yurituvchi Furqat bog'lama boshlig'I G'.Tursunov va Furqat tuman moliya bo'limi mudiri S.Axmedov o'rtasidagi xizmat ko'rsatish to'g'risidagi Abonent shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiqligi mazmunan o'rganib chiqildi.

O'rganish natijalari bo'yicha ushbu shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksi va boshqa qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilganligi ma'lum bo'ldi.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

**XULOSA**

Furqat tuman moliya bo'limi tomonidan taqdim etilgan 5506-sonli shartnoma loyihasi huquqiy ekspertizadan o'tkazildi, yuqoridagilarga asosan, mazkur shartnoma loyihasini tuzish amaldagi qonunchilikka muvofiq.

**Furqat tuman YuXKM**  
**bosh yuriskonsulti**



**U.Xamidov**